

TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_


Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2025-yil 28-may / CHORSHANBA / № 37 (13798)

Янги ГЭС:

Чотқол бўйларидан нур таралади...



Бўстонлиқ туманидаги Чотқол дарёсининг белги-
ланган ҳудудда "Қуйи Чотқол" ГЭСининг қурилиш
жараёнлари жадаллик билан кетмоқда.

Замонавий ва илғор техноло-
гиялар асосида бунёд этилаётган
мазкур иншоотнинг қуввати 90 МВт
бўлиб, йиллик ўртача электр энер-
гияси ишлаб чиқариш ҳажми 300
миллион кВт/соатга тенг. Бу дега-
ни, иншоот ишга тушгач, ўртача
125 минг хонадонни электр энер-
гия билан таъминлайди.

Шунингдек, ГЭСнинг тўлиқ ишга
туширилиши 81 миллион м³ гача
табiiй газ ёки 250 минг тонна кў-
мирни иқтисод қилиш имконини бе-
ради. Иншоот гидрологик режимга
таъсир қилмайди ва гидробиоло-
гик объектларга зарар етказмайди,

шунингдек, атроф-муҳит ва табиат
ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.

Қурилиш даврида лойиҳа
объектларига 3 сменада умумий
кесимда 1 минг 800 нафар ишчи
жалб этилган.

Таъкидлаш жоизки, Чотқол
дарёсида амалга оширилаётган
мазкур йирик гидроэнергетик лойи-
ҳа келгусида вилоят энергетика ти-
зимига муҳим аҳамият касб этиб,
аҳолини экологик тоза ва арзон
электр энергияси билан таъмин-
лашга хизмат қилади.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги
Ахборот хизмати

Viloyat bo'ylab

O'zbekiston yoshlar ittifoqi Toshkent
viloyati Kengashi raisi Muhriddin Hamzayev
boshchiligidagi "Kitob karvoni" OQQO'RG'ON
tumanidagi 13-umumiy o'rta ta'lim maktabiga
yetib bordi. Maktab kutubxona fondiga sovg'a
tariqasida berilgan 500 dan ortiq kitoblari
o'quvchilar uchun chinakam ma'noda tuhfa
bo'ldi.

YUQORI CHIRCHIQ tumani hokimi
Uskenbay Atemov tuman tibbiyot birlashmasi
faoliyati bilan yaqindan tanishdi. Tashrif
davomida hokim muassasada aholiga
yaratilgan shart-sharoitlar, tibbiyot xodimlari
uchun tashkil etilgan ish muhiti va tibbiy
xizmat ko'rsatish sifatini o'rgandi. 1 mlrd.
350 mln. so'm mablag' hisobidan xarid
qilingan zamonaviy tibbiy asbob-uskunalar
amaliyotda qanday qo'llanilayotgani ko'rib
chiqildi.

YANGIYO'L shahar "Oltinobod"
mahallasi hududida joylashgan Ix-
tisoslashtirilgan madaniyat maktabida
"Yangi avlod – yangi ruhiyat" mavzusida
"Uch avlod uchrashuvi" bo'lib o'tdi.
O'tkazilgan tadbirida madaniyat, san'at
sohasida uzoq yillar samarali mehnat
qilgan nuroniyalar, o'rta yoshlilar va
tengdoshlariga o'rnak bo'lib kelayotgan,
turli xil tadbirlarda yuqori maralarga
erishgan faol yoshlar ishtirok etishdi.

QUYI CHIRCHIQ tumanida yengil atletika
bo'yicha "Yangi O'zbekiston – Olimpiya
cho'qqilari" musobaqasining mintaqaviy
bosqichi bo'lib o'tdi. Unda Yangiyo'l, Quyi
Chirchiq, Toshkent, Chinoz, Zangiota
tumanlari hamda Yangiyo'l shahridan 200
nafardan ortiq iqtidorli sportchi-yoshlar
ishtirok etishdi.

Musobaqa yakunida g'olib va
sovrindorlar diplom hamda medallar bilan
taqdirlandi.

Oqk'urfon tumanida "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали
тасарруфидagi Почта марказининг янги биноси фойдаланишга топ-
ширилди. Очилиш маросимида туман ҳоқими бошчилигида қатор
ҳудудий бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳамда жамоатчилик ва-
киллари иштирок этишди.

ОҚҚЎРҒОН ПОЧТАСИ ЯНГИ БИНОДА

▼ Тухфа



▼ Bugunning yoshlari

MENING HADICHA XONIM...

Olimaning hayot yo'li bilan tanishar ekan-
man, yuragimda unga nisbatan samimiy ehti-
rom va shunday insonning izdoshi bo'lish
istagi paydo bo'ldi. O'sha darsda men ke-
lajakda Hadicha Sulaymonovadek
huquqshunos, aniqrog'i, sudya
bo'lishni maqsad qilganimni in-
shoda yozdim.

Хонобод: ▼ Ер – хазина

"Шаҳарлик" томорқачилар

Тошкент шаҳрининг шундоқ биқинида
Зангиота туманига қарашли кўплаб маҳал-
лалар жойлашган. Илгаридан ушбу ҳудуд-
да истиқомат қилувчи туб аҳоли асосан
деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғул-
ланган. Хонадонларда етиштирилган
турли маҳсулотлар шаҳарликлар дас-
турхонига мунтазам етказиб турилган.



▼ Муносабат
ТУРК ДУНЁСИ:

Сайлов тизимларини ривожлантириш анъаналари, тажрибаси ва келажаги



Жорий йилнинг 14-15 май кунлари Қозоғистон Республика-
сининг Туркистон шаҳрида "Турк дунёси: сайлов тизимларини
ривожлантириш анъанаси, тажрибаси ва келажаги" мавзуси-
даги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Туркий давлатлар ташқи
лотига (ТДТ) аъзо давлатлар Мар-
казий сайлов комиссиялари раис-
лари, ТДТ Бош қотиби, Бутунжаҳон
сайлов органлари ассоциацияси
Бош қотиби, Туркий давлатлар
Парламент Ассамблеяси Бош қо-
тиби, Туркиянинг етакчи институт-
лари вакиллари, Қозоғистон олий

ўқув юртлари вакиллари, хорижий
олимлар, Қозоғистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси ҳузу-
ридаги Экспертлар кенгаши аъзо-
лари, жамоатчилик вакиллари, дав-
лат органлари, сиёсий партиялар
ҳамда оммавий ахборот
воситалари вакиллари
иштирок этишди.

▼ **Хамкорлик**

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Отабек Султонбеков бошчилигидаги делегация Малайзияда хизмат сафарида бўлиб қайтди. Ташиф давомида мамлакатнинг қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилди, дея хабар берди Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Музокара манзили – Малайзия

Жумладан, "Asia Pacific University of Technology & Innovation" (APU) университети

ти раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилди. Маълумотларга кўра, мазкур универси-

тетда 13 мингдан ортиқ талабалар тахсил олмоқда, улар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор.

Музокаралар чоғида энергетика йўналишида қўшма таълим дастурларини татбиқ этиш, профессор-ўқитувчиларнинг академик мобиллигини таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича келишувларга эришилди. Шунингдек, АПУ университетининг виллоятимизда филиалини очиб бора-сидаги таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Перлис давлат университетида ҳам учрашувлар ташкил этилди. Унда Тошкент давлат техника университети-нинг Олмалиқ филиали билан қатор ҳамкор-лик алоқаларини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Анжуманда 20 дан ортиқ илмий маърузалар тинг-ланди, самарали муҳокамалар бўлиб ўтди, шунинг-дек, турк ҳамжамиятида сайловнинг тарихий анъ-аналарига оид кенг қўламли масалалар муҳокама қилинди, замонавий турк давлатларида сайлов ти-зимининг ютуқ ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон МСК раиси З.Низамход-жаев сўзга чиқиб, ТДТнинг янги глобал тартибот ва халқаро институтлар тизимидаги ролини алоҳида қайд этиб, давлат раҳбарлари даражасида эришил-ган келишувлар ташкилотга аъзо 160 миллион аҳо-лини қамраб олувчи мамлакатлар ўртасидаги ҳам-корликни мустақамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

ТДТга аъзо барча мамлакатлардан келган туркий ҳамжамият олимлари ва мутахассисларининг сайлов тизимларини такомиллаштириш ва фуқароларнинг уларга бўлган ишончини оширишнинг долзарб маса-лалари бўйича маърузалари тингланди. Улар қаторида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Миллий археология маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори Гайбулла Бабаев "Ўрта асрлар туркий дав-

ТУРК ДУНЁСИ:**Сайлов тизимларини ривожлантириш анъаналари, тажрибаси ва келажаги**

латларда сайлов тизими" мавзусида, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессо-ри, фалсафа фанлари доктори Нигинахон Шермухам-медова "Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг ахлоқий-эпистомологик асослари: демократия, суверенитет ва фуқаролик маъсулияти мувозанати" мавзула-рида чиқишлар қилишди.

Конференция давомида туркий давлатларда сайлов тизимларини ривожлантириш соҳасида профессионал мулоқот, конструктив ва самарали тажриба алмашил-ди, бу эса аъзо давлатларда сайлов тизимларини ри-вожлантиришнинг Қонунчилик базаси ва амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, конференцияда сайлов ҳуқуқи ва жараё-ни бўйича тажриба алмашиш, сайловларнинг шаффоф-лиги, ҳалоллиги ва демократиясини ошириш мақсадида мамлакатлар Марказий сайлов органлари ўртасидаги мулоқот ва доимий ҳамкорликка устувор аҳамият қа-ратили, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ваколатли давлат органларига сайлов жараёнлари соҳасида ил-мий тадқиқотлар ва илмий-амалий конференциялар ўтказишда ёрдам бериш, жараёнларни биргаликда ил-мий таҳлил қилиш ҳамда сайлов амалиётини яхшилаш бўйича самарали йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилди.

Анжуманда туркий дунёда сайлов тизимининг анъ-аналари, тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди ва Туркистон резолюцияси қабул қилинди.

ТДТга аъзо давлатлар Марказий сайлов органлари-нинг маслаҳат платформаси тўғрисидаги Низомни им-золаш ва ушбу соҳада халқаро мулоқот майдончасини ташкил этиш илгари қабул қилинган ҳужжатларга ҳам мос келади. Мазкур Низомнинг имзоланиши ташкилот-га аъзо давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга. Боиси, бу туркий давлатларда сайлов жараёнларининг сифати, самарадорлиги ва инклюзивлигини оширишга ёрдам бе-ради.


Дилшод ШОИСМАНОВ,
Тошкент вилояти Худудий
сайлов комиссияси раиси
ўринбосари

ОҚҚҮРҒОН ПОЧТАСИ ЯНГИ БИНОДА

Таъкидлаш лозимки, мазкур об-ъект 1954 йилда фаолиятини бошлаган бўлиб, сўнгги йилларда хароб аҳволга келиб қолган эди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан, 2020 йилда бино бўзилиб, ўрнига 8 қаватли бино бунёд этилди. Унинг биринчи қавати почта бош бўлимига, юқори қаватлари эса ту-раржой сифатида аҳолига берилди.

Туман почта маркази директори Хус-ниддин Ботировнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда почта хизматлари си-фати сезиларли даражада ошган.

– Бугунги кунда бош почта бўлими ҳамда туман ҳудудларида фаолият юритаётган еттига алоқа бўлими орқали туманнинг 110 мингдан ортиқ аҳолиси почта хизматлари-дан фойдаланмоқда, – дейди Хусниддин Ботиров. – Хизматлар деярли барча соҳа-ларни қамраб олган. Оддий ва бюрократли хатлар, почта варақалари, бандероллар, се-



кограммалар, посилкалар, босма нашр-лар етказиб бериш, тезкор ва халқаро жўнатмалар, пул ўтказмалари шулар жумласидан. Бундан ташқари, "Бир қа-дам" давлат хизматлари маркази асоси-даги хизматлар, шунингдек, замонавий электрон тижорат платформалари орқа-ли жўнатмаларни қабул қилиш ва етқа-зиш йўлга қўйилган. Ҳозирда бу ерда 29 нафар ходим фаолият юритмоқда.

Қайд этиш лозим, туманда бир кунда ўртача 350-400 нафар mijozга хизмат кўрсатилади. Шунингдек, кунига 1 минг 300 тага яқин Гибрид ва Спокс турда-ги хатлар почта бўлимларига етказила-ди. Улар 14 нафар курьер томонидан ўз вақтида манзилларга элтиб берилади. Шунингдек, даврий матбуот нашрлари ҳам ўз вақтида обуначиларга тарқатилиб, кунига ўртача 900 тагача газета ва жур-наллар манзилларга етказилмоқда.

Бундан ташқари, туманнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий почта хиз-матлари йўлга қўйилган. Бу аҳолининг вақтини, маблағини тежаш баробарида давлат хизматларидан осон ва тез фой-даланишга хизмат қилмоқда. Барча бў-лимлар замонавий техник воситалар би-лан тўлиқ жиҳозланган.

Мехриддин ИБРАГИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

Йиллар давомида аҳоли сони ўсди ва натижада тураржойга бўлган талаб ортди. Давлат томонида аҳолининг бу эҳтиёжини қондириш мақсадида уй солиш учун ер ажратиб берилди. Серунум, ҳосилдор ерлар қисқариб, тураржой бинолари кўпайди. Кейинги пайтларда ушбу ҳудудлар шаҳарга – Сергели туманига ўтказилди. Аммо, томорқадан фойдаланиш имконияти кўплаб хонадонларда сақланган.

– Асли касбим тикувчилик. Келин бўлган пайтларимда шу соҳа бўйича ўқир эдим. Ўқшни тамомлаб "Қизил тонг" номли ишлаб чиқариш корхо-насига ишга жойлашдим. Фарзандли

бир қарич ерни бўш қолдирмайман. Нимадир эксам, рўзгорнинг кемтигига ярайди. Баъзи қўшнилариим ҳовли-сини бегона ўт босиб ётганини кўриб, кўнглим ранжийди. Эрта баҳорда тур-ли кўкатлар сўраб чиқишса, ҳайрон қоламан.

Зоҳида она олтимш ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон меҳнатда. Бир қиз, икки ўғил, тўққиз набиранинг суюқлиси бўлган Зоҳида она набираларига ҳам меҳнат қилиш орқали дастурхон тўқин бўлишини ўқтириб, ўз тажрибасини ўргатиб келмоқда. Иссиқхонада йилда икки бор маҳсулот етиштириб, яхши-гина даромад ҳам олади. Ерни боқиб

Хонобод: "Шаҳарлик" томорқачилар

бўлган, бола тарбияси, уй ишлари би-лан бўлиб соҳа бўйича фаолиятим чекланди, – дейди Хонобод қишлоғи-нинг Беруний маҳалласида истиқо-мат қилаётган Зоҳида Мирзахимова. – Келин бўлиб тушганимда ўн тўққиз ёшда эдим. Рўзгор тутишда ҳеч қан-дай тажрибам йўқ, турмушнинг паст-у, баландидан беҳабар эдим. Шу хона-донга келган, рўзгорнинг кам-қўстига кўнликдим. Ўша кезлардаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чикмайди.

Келин бўлиб тушганимга эндигина уч ой бўлган. Кечаси билан ёмғир тин-мади. Тонг саҳарда қайнонам деразани тақиллатиб уйғотди. Шоша-пиша ҳовлига чикдим. Қайнилар, қайнсиз-гиллар қўлларида челақ кўтариб да-лага кетишяпти.

– Мана бу челақни кўтариб, улар-га етиб олинг. Ёмғир тиниб қолмасдан қарамларни устига сочиб келасизлар, – деди.

– Ёмғир ёғяпти-ку, – дедим.

– Шакармидингиз эриб кетасиз,

чаққонроқ бўлақолинг, – деди.

Бунақанги ишларни ота уйда қил-маганман. Кейинчалик кўнликдим, сўнг шу турмушдан бошқасини тасаввур ҳам қилолмай қолдим. Ҳозир ҳовлида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

керак, шунда ер ҳам сени рози қила-ди. Бу ақидага амал қилган онахон ер парварлишига алоҳида эътибор қарат-ган. Кузги мавсумда турли кўкатлар, эрта баҳорда эса помидор ва бодринг етиштиради.

– Дала ишларини, деҳқончилик сирларини қайнонамдан ўргандим. Кам бўлганим йўқ. Ер билан доим сир-лашиб тураман. Март ойининг бош-



гиз уч, тўрт йилгача ҳосил беради. Шу-ниси борки, ерни кўп вақт банд қилади, – дейди онахон. – Келаси йили тажри-ба тариқасида иссиқхонага қўлуннай эжмоқчиман. Кўчатлар оралигига кўкат-лар, сўнг помидор, ундан сўнг бодринг экишни режа қилдим. Шунда бир вақт-нинг ўзида кетма-кет икки турдаги маҳ-сулотни олиш мумкин бўлади. Бу очик далада деҳқончилик қилган пайтда таж-рибадан ўтган. Эрта баҳорги сабзи ораси-га қашини ва ўкроп сепганимиз. Сабзи ҳосилга киргунча кўкатлардан даромад олишга эришилган. Қўлуннай кўчат-лари орасига эса саримсоқлиёз экиб, бир вақтнинг ўзида иккала экиндан ях-шигина ҳосил олинган. Буни иссиқхона шароитида қўллашнинг имкони бор, албатта. Бунинг учун ерни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйинтириш лоз-им бўлади.

Халқимизда меҳнат қилган инсон элда азиз, деган нақл бор. Маҳалла-да ўз меҳнати билан эъзоз топган, юрт назарига тушган инсонлар кўп, албатта. Онахон айтганидек, ерни севиб, ардоқласанг, у сени қуруқ қол-дирмайди. Меҳнат ортидан топилган ризқ ҳам барақали, ҳам тотли бўла-ди.

Асрор СУЛАЙМОНОВ,
Ўза

▼ **Пишиқчилик**

Юртимизда пишиқчилик мавсуми бошланди. Боғларда пишиб етилаёт-ган сархил мевалар дастурхонимиз бе-замоқда, бозор расталарини тўл-дирияпти, ундан орггани эса экспортга чиқарилмоқда. Айниқса, болға тў-лган гилосларнинг харидори чаққон. Ташқи бозорда талаб юқори бўлган бу мевадан жорий йилда ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Маълумки, гилос фойдали хусусиятла-рининг юқорилиги билан бошқа мевалардан ажралиб туради. Бу мева мелатонин гормо-нининг табиий манбаи бўлиб, тананинг ички ҳолатини бошқаришга ва соғлом уйку режи-мига ёрдам беради.

Мутахассислар уйқуни янада яхшилаш учун етишдан олдин гилос истеъмол қилиш-ни тавсия қилади. Ҳар куни 25 донга яхши пишган гилос истеъмол қилиш натижасида уч кун ичида соғлом ва узокроқ ухлашга эри-шилади. Қайнатмаси ёки шарбати иситма туширувчи, шамоллашда қувват бағишловчи восита ҳисобланади. Шу боис бу маҳсулотга жаҳон бозорида талаб юқори.

Виллоятимизнинг ҳам қатор туманларида ги-лосзорлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда пишган ҳосил терибли, экспортга йўналтирилмоқда. Хусусан, Тошкент туманида бугунги кунда 85 гектар гилос боғларда ишлар авжида. Сўнгги йилларда гилос экиш ва етиштиришда ресур-с тежовчи инновацион технологиялардан фойда-ланиш ҳисобига ҳосилдорлик ошиб бормоқда. Гилоснинг эртапишар, экспортбоп, ҳудудлар-нинг иқлим шароитига мос навлари экилгани ҳисобиға ҳосилдорлик яхши.

"Соҳибкор ишонч агро" масъулияти чекланган жамиятига қарашли боғда ги-лоснинг "Жайнт ред" эртапишар нави эки-либ, интенсив боғ ташкил этилди. Дастлаб-

ТОШКЕНТ ГИЛОСИ – ДУНЁ ДАСТУРХОНИДА

ки ўтказилган ниҳоллар 5 йил деганда бу йил нишона берди ва 5 тоннадан зиёд ҳосил йиғиб олинди. Атрофи махсус тўсиқлар би-лан ўралган бу боғнинг 95 фоизини гилос-зор ташкил қилади. Бўйи унча юқори бўл-маган, бироқ маҳаллий навларга қараганда серҳосил кўчатлар хориждан келтирилган. Қолган қисмида шафтоли, нок, бодом да-рахтларини учратасиз. Кўчатлар махсус ҳовуз орқали йиғилган сувдан томчилатиш йўли билан сўғорилади. Бунинг учун катта майдонлардаги мева дарахтлари қаторига юз минг метрлаб ингичка ва юмшоқ қувур-чалар тортиб чиқилган. Айни жараёнда сарф-харажат камайишидан ташқари сув орқали берилган озуқа тўғридан-тўғри кўчат илдиэига боради. Дарахт оралари бўш тур-маслиги учун тарвуз, қовун ва бодринг экиб қўйилган.

– Табиий, хуштаъм, кўриниши эътибор-ни тортадиган, юқори сифатли меваларгина жаҳон бозорида харидорга манзур бўлади, – дейди жамият раҳбари Наримон Очиллов. –

Жумладан, гилосга ҳам талаб шундай. Таъ-ми, донасининг йирик ва текислиги алоҳида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, мамла-катимизда барча жиҳати билан хорижликлар талабига мос тушадиган маҳсулот етиштириш ва сотувга тайёрлаш учун мавжуд имконият-ларни ишга солишди. Барча маҳсулот Россияга экспорт қилинди. Россиянинг Магнит супер-маркетлар тармоғи мутахассислари ўзлари келишиб, ҳосилни ҳар томонлама текшириб чиқишди. Калибриси, шираси, рангини назо-ратдан ўтказишди, маъқул бўлган, ишчилар ёллаб теришди ва қадоклаб олиб кетишди.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Агент-лиги Тошкент тумани бўлими инспекторлари томонидан экспорт ҳажмини ошириш мақса-дида етиштирилаётган гилос маҳсулотлари-нинг фитосанитар ҳолати ўрганилиб, экспорт-га йўналтириш бўйича тавсия ва тушунчалар берилмоқда.

– Инспекторлар томонидан туманимизда жойлашган боғ ва фермер ҳўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларни экспортга

йўналтириш мақсадида фитосанитар назора-ти тадбирлари ўтказиб келинмоқда, – дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқар-маси туман бўлими бошлиғи Э. Бойқоби-лов. – Айниқса, ҳозирда терими кетаётган гилос ҳамда ўрик меваларини жойига чиқиб фитосанитар ҳолатини ўрганиб, ички ФФС расмийлаштириб берилмоқда. Бундан ташқа-ри, инспекторлар томонидан виллоят экспорт штабига тадбиркорларнинг муаммоси ва ма-салалари юзасидан маълумотлар бериб бо-рилмоқда.

Шунингдек, туманда жойлашган Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфидagi 2 гектар ўрик боғда ҳам ҳосилнинг чўғи баланд, Алвон тусга кираётган ўрик ҳосили 10 кўнлар-да пишиб етилади ва у ҳам экспортга йўнал-тирилади.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

1-VARAQ. KITOB DAN IZLANGAN GENDER TENGLIGI

Inson bolalikda bir olam orzular bilan yashaydi. Aytish joiz, umrning betakror bu davri ma'lum ma'noda har qanday murg'ak qalbg'a ilhom baxsh etadi. Bu ilhom, deylik, kimgadir so'zlar orqali she'rlarda, kimgadir kuylar orqali qo'shiqlarda namoyon bo'ladi. Bolalik hadya etgan ana shu ilhom bilan har doim hamnafas yashash insonning tabiati va u yashayotgan atrof-muhit bilan ham bog'liq.

Bolaligimdan kitob o'qishga mehr qo'ydim. 3-sinfdaligimda onam menga O'zbekistonning buyuk allomalari hayotiga bag'ishlangan kitob sovg'a qildilar. Uni o'qir ekanman, alloma bobolarimiz safida olimlari ayollar ham bormikan, deb ularning nomini kitobdan qidira boshladim.

9-sinfni bitirgach, ulug' niyatlarni dilga jo qilib, Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga hujjatlarimni topshirdim. 2022-yilda ushbu ilm maskanini imtiyozli tamomlaganim sababli Toshkent davlat yuridik universitetining jinoiy odil sudlov fakultetiga suhbat orqali to'lov-shartnoma asosida o'qishga qabul qilindim.

Mana, ikki yildirki, universitetda yaxshi bilim olishim uchun oila a'zolarim qo'ldan kelgancha hamma sharoitlarni yaratib berishyapti.

Onamning bir odatlarini yaxshi ko'raman: menga ko'p kitob sovg'a qiladilar. Yaqinda yana bir kitob berdilar. Buni qarangki, u O'zbekistonda Adliya vaziri, Oliy sud raisi lavozimlarida ishlagan ayol Hadicha Sulaymonova haqidagi asar edi. Bu asar bolalikda men o'qigan va hayotimda tub burilishi

qurilishi va huquq ilmiy tadqiqot institutining tayyorlov kursida o'qiydi. 1932-yilda esa Jahon Obidova nomidagi Sovet qurilishi va huquq institutining ikkinchi kursiga qabul qilinadi. Institutni yakunlab, 1935-yilda respublika Oliy sudi a'zoligiga saylanadi. Oliy sudda o'z bilimini oshirgan Hadicha Sulaymonova ustoz, professor Ivan Krilsevning maslahatiga amal qilgan holda 1938-yili Moskva yuridik instituti sovet jinoyat huquqi kafed-rasi aspiranti bo'ladi. Ikkinchi jahon urushi boshlangani bois, u dissertatsiyasini yakunlay olmaydi, biroq uni Toshkent yuri-



toriyasi talabga javob berolmasdi, bu masala bo'yicha hukumatga taklif bilan chiqdi va ushbu taklif ma'qullandi. 1958-yil 24-yanvarda Toshkent sud ekspertizasi ilmiy-tadqiqot instituti ushbu taklif asosida tashkil topdi. Bugungi kunda ekspertiza markazi akademik Hadicha Sulaymonova nomi bilan ataladi. 1959-1964-yilgacha u O'zbekiston SSR Ministrlar Soveti huzuridagi Yuridik komissiya raisi, 1964-yildan Oliy sud raisi sifatida o'z faoliyatini olib bordi. Biroq og'ir kasallik tufayli u 1965-yilning 26-noyabrda vafot etdi.

O'tmishda yurtni yog'iylardan himoya qilgan buyuk bobolarimizning nomlari tarix sahifalariga zarhal harflar bilan bitilgan. Ular qatori To'maris, Bibixonim, Nodirabegim, Uvaysiy kabi nozik hiliqt vakillarining ulkan jasoratlari, qat'iyat-u shijoatlari ham tahsinga sazovordir. O'zbek olimasi, huquq sohasining jonkuyari Hadicha Sulaymonova ham XX asrning mana shunday faxrlangulik shaxslaridan biri edi.

Yurtimizda ayollardan chiqqan birinchi Adliya vaziri haqidagi kitobi o'qib, yuragimda shukronalik hislarini tuydim. Ha, Yurtboshimiz olib borayotgan oqilona siyosat tufayli mam-lakatimizda xotin-qizlarning ijtimoiy va siyosiy faolligini, ma'naviy va intellektual salohiyatini yuksaltirish, ularning salomatligini mustahkamlash, oila, onalik va bolalikni muhofaza qilish, sportga jalb qilish davlat siyosatining ustuvor vazifalaridan biri etib belgilandi. Ana shu e'tibor samarasi o'laroq hozirgi kunda o'zbek ayollari barcha sohalarida iqtidori va salohiyatini namoyetgan holda jamiyatimizda o'zining munosib o'rmini egallab, qadr-qimmatini topmoqda. Yoshlarning, xususan, xotin-qizlarning o'qishi, kasb-kor o'rganib, mehnat qilishi uchun jamiki shart-sharoitlar yaratib qo'yilgan bunday yurtning fidoyisi bo'lmassikka haqqimiz yo'q.

Ikki yildirki, talabaman. Ko'cha-ko'yda, oliy va o'rta ta'lim o'quv yurtlarida tahsil olayotgan qizlarning xatti-harakatlarini kuzatib, shu narsaga amin bo'ldimki, shaharda ta'lim olish jarayonida nafaqt qizlarning, balki yigitlarning ham sabr-toqati sinalar ekan. U musofirchilikda o'z-o'ziga qat'iyat bilan ishona boshlaydi, kelajagini ma'naviy va moddiy ta'minlay olishiga imkon yaratadi. Oliygo'hlarda o'qish – yoshlar uchun har tomonlama imtihon. O'ildan yiroqda yoshlar oilaviy hayotga tayyor bo'ladi, yaxshi va yomonni, oq-qorani ajrata oladi. Ko'p hollarda o'qimishli qizlarda muomala madaniyati, ayollik ma'naviyatining yuksakligini ko'ramiz. Lekin, ba'zan o'ylanib qolaman: bugungi qalaba qizlarning hammasi ham ertaga ota-ona, ustoz va Vatan bildirgan ishonchni oqalay oladimi? Kelajagimiz egalari duniyoga keltirib, tarbiya beradigan ertangi onalar har tomonlama ma'naviy jihatdan o'sib borayaptimi? Vatanga, oilaga Alpomishdek mard, Jaloliddin singari xalqparvar, Temur singari adolatl, To'marisdek g'ururli, Hadicha Sulaymonova kabi fidoyi bo'lgan kelajak avlodni tarbiyalab bera oladimi?

O'tgan hafta yurtimizning barcha ilm maskanlarida so'nggi qo'ng'iroqlar jarangladi. Yoshlarimiz kelajak sari yana bir qadam qo'yidilar. Demak, ulug' maqsadlar bitilgan insholarimiz yana yozilaveradi...

Munisa YULDASHYEVA,
Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi

MENING HADICHA XONIM...

(Ulg'ayib, goho o'ylab qolaman: gender tengligiga e'tibor qaratish menda bolalikdan bo'lgan ekan-da!) Niyatim xolis ekan, va nihoyat, o'sha olimani topdim. U – Hadicha Sulaymonova edi.

Olimaning hayot yo'li bilan tanishar ekanman, yuragimda unga nisbatan samimiy ehtiram va shunday insonning izdoshi bo'lish istagi paydo bo'ldi. Buni qarangki, oradan ko'p vaqt o'tmay maktabdagi ustozimiz bizga "Kim bo'lsam ekan?" mavzusida matn tuzishni vazifa sifatida topshirdilar. O'sha darsda men kelajakda Hadicha Sulaymonovadek huquqshunos, aniqrog'i, sudya bo'lishni maqsad qilganimni inshoda yozdim.

O'sha vaqtda bu kasbni tanlaganimga ustozim hayron bo'lgani edilar, chunki men tengi qizlarning ko'pchiligi shifokor yoki muallima, o'g'il bolalar esa harbiy yoki qurovchi bo'lish istagida ekanliklarini bayon etishgan edi.

Oradan vaqtlar o'tdi, bu istagim negadir yodimdan ko'tarilgandek bo'ldi. Biroq uйда qachonki o'sha kitobni qo'limga olsam, bolalikdagi istak qat'iy qarorga aylanayotganini his etardim. Bu fikrimni yaqin dugonalaringa aytdim, biroq ular menga oliy ta'limni davom ettirish, ayniqsa, bu yuridik sohada mushkul bo'lishini va bu mening qo'limdan kelmasligini uqitra boshladilar. Lekin, mening qaysar fe'lim, buvinjom va onajonimning qo'llab-quvvatlashlari va duolari faqat va faqat oldinga dadil qadam bosishga undar edi.

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

yasagan kitobdan ancha farq qilardi. Avvalgi kitobda Hadicha Sulaymonovanning hayoti va faoliyati qisqacha yozilgan bo'lsa, bu asarda uning bolaligidan to'vafotiga qadar barcha ma'lumotlar batafsil yoritilgan edi.

2-VARAQ. HADICHA SULAYMONOVA HAQIDA O'QIB...

Yuridik fanlari doktori, professor, O'zbekiston SSR Fanlar akademiyasi akademigi, O'zbekiston SSRda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, O'zbekiston SSR Adliya vaziri, O'zbekiston SSR Oliy sud raisi Hadicha Sulaymonova 1913-yili Andijon viloyatida dunyoga kelgan. U bilim va ilimga chanqoqlikni otasi Sulaymon Kelginboyevdan, sabr va mardlikni esa onasi Otincha ayadan meros qilib oldi. Otasi turkman, qozoq, qirg'iz, tojik va rus tillarini mukammal bilgan. Hadicha otasidan juda erta judo bo'ldi. O'zi bilan to'rt farzand bo'lgan Hadicha onasining ham o'qib, ham zavodda ishlab, ularni qiyinchilik, biroq sabr va matonat bilan katta qilayotganini ko'rib borgan.

U 17 yoshida "Hujum" harakati natijasida o'z akasi tomonidan o'ldirilgan yosh san'atkor Nurxon Yo'ldoshxo'jayevaning ochiq sud ishida ishtirok etadi. Sud ishida Tojixon Shodiyeva degan ayol qoralovchi sifatida qatnashadi. O'shanda Tojixon Shodiyevaning dadilligi va o'z sohasining bilimdoni ekanligiga havas qiladi va kelajakda ana shunday jasur huquqshunos bo'lishga ahd qiladi.

U 1931-yili rus maktabini tamomlab, Sovet

dik institutiga o'z faoliyatini amalga oshirish uchun yuborishadi. 1940-1950-yillar oralig'ida u "O'zbekiston jinoyat huquqining vujudga kelishi va rivojlanishi" mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasini himoya qilib, institutning jinoyat huquqi kafedrasi professori bo'ladi. 1954 yilda Toshkent yuridik institutiga direktor qilib tayinlanadi va shu yili "O'zbekiston SSRda xizmat ko'rsatgan fan arbobi" faxriy unvoni bilan taqdirlanadi.

Bu jasur ayol O'zbekiston ministrlar soveti raisi Nuriddin Muhitdinov bilan birgalikda el uchun juda ko'p xayrli ishlarni amalga oshiradi. "Xalq dushmani" deb asossiz ravishda otilganlarni va haligacha shunday tamg'a bilan qamoqda saqlanayotganlarni oqlash hamda ularni reabilitatsiya qilishda ishtirok etadi. 1956-yilning sentyabr oyida O'zbekiston SSR Oliy soveti prezidiumining farmoni bilan Adliya vaziri etib tayinlanadi. Shu yilning oktyabr oyida esa akademik ilmiy darajasiga loyiq etib topilib, Fanlar akademiyasining haqiqiy a'zosi etib saylanadi.

U Adliya vaziri sifatida o'z faoliyatini olib borgan vaqtlarda sudlar faoliyatini tahlil qildi, kamchiliklarini aniqlab ularni bartaraf etishga erishdi.

1959-yilgi O'zbekiston sud tuzilishi haqidagi Qonunini, Jinoyat va Jinoyat protsessual kodekslarini, 1961-1963-yillari fuqarolik va fuqarolik-protsessual kodekslarini tayyorlashda Hadicha Sulaymonovanning hissasi katta bo'ldi.

O'sha vaqtda Adliya vazirligi huzuridagi Toshkent Kriminalistika ilmiy-tadqiqot labora-

Эхтиёт шарт!

Хар йили апрель-май ойларида кўплаб мамлакатларда, жумладан, юртимизда ҳам “чигиртка ёмғири” кузатилади. Куни кеча ижтимоий тармоқларда Хоразм ва Бухоро вилоятларида сон-саноқсиз чигирткаларнинг “сайр” қилиб юргани акс этган видеохабарларнинг тарқалгани бу бўйича тезроқ чора кўриш зарурлиги ҳақида огоҳлик кўнғироғи бўлди. Хўш, вилоятимизда зарарли ҳашаротлар, шу жумладан, чигирткаларга қарши кураш қандай кечмоқда?

ҲОСИЛГА ҲУЖУМ БОШЛАНДИ..МИ?

Ҳозирда вилоятнинг қатор ҳудудларида чигирткалар ҳужуми хавфининг олдини олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғида зараркунандаларга қарши агротехник тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Куни кеча Бўстонлиқ туманининг Чимбойлик, Сижжақ, Юсуфхона, Оқсоқота, Қорамозор, Хумсон ва Уғам ҳудудларида чигирткаларга қарши кураш тадбирларини самаралари олиб бориш мавзусига бағишланган дала семинарлари бўлиб ўтди.

Тадбир Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоят чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати ҳамда “Чимбойлик” МФЙ томорқа ер эгалари, чорвачилик ва боғдорчилик фермер ҳўжаликлари ҳам-корлигида ўтказилди.

– Агротехник тадбирлар доирасида касаллик ва зараркунанлар аниқланган майдонларга пуркагичли махсус автомашиналар ҳамда тракторлар орқали кимёвий дориларни сепиш ва тозалаш ишлари амалга оширилди, – дейди Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг ўрмон ҳўжаликлари бўйича бош мутахассиси Акбар Рустамов. – Жорий йилда вилоятимиз ҳудудининг 25 минг 460 гектарида зарарли чигиртка тарқалиши прогност қилинган эди.

Ҳудудларда курашиш тадбирлари апрель ойининг илк кунларидан бошланган. Зарарли чигирткалар 2-3 ёшда бўлиб, вилоятимизнинг бир қанча туманларида аниқланган. Уларга қарши кураш тадбирларини самарали олиб бориш учун 3 та отряд ташкил этилган. Уларга 3 та пуркагичли махсус автомашина, 23 та трактор пуркагичлар ва 10 та моторли

кўл пуркагичлар бириктирилиб, бу ишларга жами 50 нафардан ортик ишчи-ходимлар жалб қилинган. Ҳозирда барча ҳудудларда зарарли чигирткалар ўчоқларини аниқлаш бўйича доимий кузатув-назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Бу каби тадбирлар дала зараркунандаларининг тарқалиши ва кўпайишининг олдини олади.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

**Е'лон**

VILOYATDA ICHIMLIK SUVI VA OQOVA XIZMATLARI BO'YICHA YANGI TO'LOV TA'RIFLARI JORIY QILINDI

Toshkent viloyatida joriy yil 1-iyuldan boshlab, Xalq deputatlari viloyat Kengashi ichimlik suvi va oqova xizmatlari bo'yicha yangi to'lov ta'riflarini tasdiqladi. Quyidagi jadval orqali "Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJ, "Musaffo obi hayot magistral suv ta'minoti" AJ, "Chimgan-Chorbog' magistral suv ta'minoti" AJlarda o'zgargan ta'rif summalari bilan tanishishingiz mumkin.

Unga ko'ra:

Ichimlik suvi:

- a) aholi uchun – 1 m³ – 2 600 so'm;
b) byudjet tashkilotlari uchun – 1 m³ – 15 000 so'm;
v) ulgurji iste'molchilar uchun – 1 m³ – 15 000 so'm.

Oqova suv xizmati:

- a) aholi uchun – 1 m³ – 1 300 so'm;
b) byudjet tashkilotlari uchun – 1 m³ – 3 000 so'm;
v) ulgurji iste'molchilar uchun – 1 m³ – 3 000 so'm.

Narxlar qo'shimcha qiymat solig'isiz ko'rsatilgan

T/r	Xizmat turi	Amaldagi narx (tarif) (so'm)	Amaldagi narx (tarif) (so'm) (QQS bilan)	Taklif etilayotgan narx (tarif) (so'm)	Taklif etilayotgan narx (tarif) (so'm) (QQS bilan)
“Toshkent viloyati suv ta'minoti” AJ					
Ichimlik suv yetkazib berish narxi					
1	Aholi uchun 1 m ³	2000	2240	2600	2912
2	Byudjet tashkilotlari uchun 1 m ³	9000	10080	15000	16800
3	Ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	9000	10080	15000	16800
4	Boshqa ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³ (aholi narxida)	2000	2240	2600	2912
Oqova suv xizmati narxi					
5	Aholi uchun 1 m ³	1000	1120	1300	1456
6	Byudjet tashkilotlari uchun 1 m ³	2000	2240	3000	3360
7	Ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	2000	2240	3000	3360
8	Boshqa ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³ (aholi narxida)	1000	1120	1300	1456
“Chimgan-Chorbog' magistral suv ta'minoti” AJ					
Ichimlik suv yetkazib berish narxi					
1	Aholi uchun 1 m ³	1100	1232	1500	1680
2	Byudjet tashkilotlari uchun 1 m ³	1300	1456	5100	5712
3	Ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	4600	5152	5100	5712
Oqova suv xizmati narxi					
4	Aholi uchun 1 m ³	300	336	1150	1288
5	Byudjet tashkilotlari uchun 1 m ³	400	448	3400	3808
6	Ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	3100	3472	3400	3808
“Musaffo obi-hayot magistral suv ta'minoti” AJ					
Ichimlik suv yetkazib berish narxi					
1	Aholi uchun 1 m ³	1500	1680	1900	2128
2	Byudjet tashkilotlari uchun 1 m ³	1700	1904	8200	9184
3	Ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	5800	6496	8200	9184
4	Boshqa ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	1500	1680	1900	2128
Oqova suv xizmati narxi					
5	Aholi uchun 1 m ³	1000	1120	1500	1680
6	Byudjet tashkilotlari uchun 1 m ³	1150	1288	2400	2688
7	Ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	1900	2128	2400	2688
8	Boshqa ulgurji tashkilotlar uchun 1 m ³	1000	1120	1500	1680

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

Xususan, Nurafshon shahridagi "Vatanparvar" bog'ida 32-umumiy o'rta maktab bitiruvchilarining "So'nggi qo'ng'iroq" tadbiri bo'lib o'tdi. Unda viloyat hokimi Zoyir Mirzayev ishtirok etib, davlatimiz rahbarining yoshlarga yo'llagan tabrigini o'qib eshittirdi.

— Bugun bitiruvchilar chehrasida faxr va mas'uliyatni ko'ramiz, — dedi viloyat rahbari. — Ular kelajak poydevorini qurish sari ilk qadamni tashlamoqdalar. Kelgusida ular davlatimiz tomonidan yaratib berilayotgan imkoniyatlardan to'liq foydalanish orqali

o'z yo'llarini topishlariga ishonaman.

Yangiyo'l shahridagi 10-umumta'lim maktabida ham "So'nggi qo'ng'iroq" tadbirlari ko'tarinki ruhda o'tkazildi. Yakunlangan o'quv yilida maktabni 200 nafar o'quvchi bitirdi. Ularning ikki nafari muddatidan oldin talaba maqomiga sazovor bo'lgan bo'lsa, yana ikki nafari o'qishni "oltin medal" bilan tamamladi. Shuningdek, 25 nafar bitiruvchi ingliz tilidan turli darajadagi xalqaro sertifikatga, shuningdek, ikki nafar bitiruvchi matematika fanidan — bir nafari milliy, yana biri esa xalqaro sertifikatga ega bo'ldi.

— Maktabda bergan saboqlari,



MUSTAQIL HAYOTGA ILDAV QADAMLAR



o'g'itlari uchun barcha ustozlarimga ta'zimdan, — deydi maktabni "Oltin medal" bilan bitirgan Behruz Akromjonov. — 11 yillik "uyimizni" tark etish oson emas. Biroq, oldinda yangi manzillar, marralar kutib turibdi. Endi katta hayotda yutuqlarga erishib, bizga ishonch bildirganlarning ishonchini oqlashga harakat qilamiz.

So'nggi qo'ng'iroq — bu oddiy bayram emas, balki mas'uliyatning boshlanishi, katta hayot ostonasidagi jiddiy qadam hamdir. Kelgusida ular yuksak cho'qqilarni zabt etib, Yangi O'zbekistonga yangi muvaffaqiyatlar olib kelishadi, degan umiddamiz.

Mehridin IBRAGIMOV,
"Toshkent haqiqati" muxbiri
Jaloliddin ESONOV olgan suratlar

▼ Бизга ёздилар

ТОШСОЙНИНГ ТОШ ЙЎЛЛАРИ АСФАЛЬТЛАНДИ...

Оҳангарон тумани қишлоқлари Қурамотоғ ва Чотқол тоғ тизмалари этагидаги сайхонларда жойлашган. Ана шу қишлоқларга саёҳатга бориб, тоғларнинг мусоффо ҳавосидан нафас олиш, шарқираб оқаётган сойларнинг сувида мазза қилиб чўмилиш кимга завқ-шавқ бағишламайди, дейсиз? Ҳа, кўнгли ҳамиша кенглигу қирлиқларни қумсайди. Бу шундай кенгликки, сохалиқдан йироқ, кўп қаватли уйлاردан-да баландроқ...



Аммо бундай гўзалликлардан баҳра олиш осон эмас. Тоғ йўллари гадир-будур бўлгани учун ҳам бу ерларга махсус, йўлтанламас уловларда бориш тавсия этилади. Марказдан узоқда — Каттасой ва Кичик сойларнинг туташган жойида кўним топган Тошсой — чекка қишлоқлардан бири. Тошсойликлар илгари йилнинг тўрт фаслида — қор-ёмғирли кунларда лой кечиб, ёзнинг жазирама пайтларида чанг ютиб, гоҳ пиёда, гоҳида эшак ёки отларда етти километрни йўлда силласи қуриб қатнар эди.

Яхшиларнинг шарофати билан яқинда бу муаммо ҳал этилди. Тадбиркор Сардор Исраилов ўзининг корхонаси даромади ҳисобидан қир-адир орасидан Тошсой қишлоғига олиб борадиган йўللарга асфальт ётқизиб, савобли ишни амалга оширди.

Эндиликда нафақат тошсойликлар, балки ёзнинг жазирамасида тоғлар бағрига дам олгани келган шаҳарлик меҳмонлар ҳам саховатли инсонларни дуо қилишяпти.

Барот ИСРОИЛ



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAUQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Azamot MIRZAYEV
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Shahboz NIZOMIDDINOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Behzod QOBULOV
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Bosishga topshirildi — 22.30.
Nashr ko'rsatkichi — 205.
Buyurtma G-535.
4 321 nusxada chop etildi.
Hajmi — 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati"
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.
Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.**
Korxonasi manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

▼ Сабок

Бахт

Турмуш ўртоғим мени иккита фарзандим билан ташлаб кетди. Хасталигим туфайли болажонларимнинг тарбияси билан ҳам отам-онам шугулланарди. Уларнинг уйларида қолган кунларим туни билан ухловмай қийналардим. Шундай бедор кечаларнинг бирида сув ичиш ва сал ўзимга келиб олиш учун ошхонага чиқдим. Чироқлари ёқилган ошхонада отам ўтирарди. Кечалари ухламай қандайдир ёзиш-чи-зиш билан шугуллангани учун ҳам тамаки тутатгани ошхонага чиққан экан. Оёқ товушимни эшитиб, ортига ўтирилди. Кўриниши жуда ҳорғин эди, мен унинг аҳволини кўриб, касал бўлиб қолмадимикан, деб ўйладим. Юрагим ачишиб, раҳмим келди. «Дадажон, қаранг, бахтсизлигимиз туфайли иккаламиз ҳам туни билан бедормиз...»

"Бахтсизмиз?" — такрорлади отам ва ҳеч нарсани англамагандек кўзларини пирпиратиб менга термулди. — Тушунмадим, азизам! Нималар дейсан?... Ҳаммамиз соғ-саломатмиз, бутун оила уйимда жамулжам ва мен бундан жуда бахтлиман!

Мен йиглаб юбордим, у эса мени худди қизалоқлигимдаги каби бағрига босди. Дадам учун ҳаммамизнинг бирига бўлишимиздан ортқ бахт йўқ эди. У шундай бектор бахт учун туну кун тиним билмай ишлашга рози эди.

Мен ҳар гал ота-онам билан хайрлашиб, ўзимнинг уйимга кетаётганимда улар эшик олдидаги майдончада туриб қўлларини силкишар ва ортимдан тинмай: "Биз сени яхши кўрамыз, биз сени жуда яхши кўрамыз", дея такрорлашарди. Ўйлаб қолман, баъзан бахт учун жуда кўп нарсая зарурдай туюлади, аслида эса арзимаган бир тасалли инсоннинг ўзини бахтли ҳис қилишига кифоя бўлади, шундай эмасми?

Юрий БОНДАРЕВ,
рус ёзувчиси

Можият

Оила хусусида

Лев Толстой:
«Бахтли оила — бу осмонда барпо этилган жангсиз давлатдир.»

Конфуций:
«Оилани тузатмасдан туриб жамиятни ислоҳ қилиб бўлмайди.»

Махатма Ганди:
«Агар сиз дунёда ўзгариш кўришни истасангиз, бу ўзгаришни оиладан бошланг.»

Мать Тереза:
«Агар сиз жаҳонда тинчликни тарғиб қилмоқчи бўлсангиз, уйингизга бординг ва оилангизни севинг.»

Уинстон Черчилль:
«Оила — бу бизнинг бошлана, биз ким бўлишимиздан қатъи назар, у ерда муҳаббат кутамиз.»

Барбра Буш (АҚШнинг собиқ биринчи хоними):
«Уйдаги муҳаббат ва дўстлик — ҳаётдаги барча муваффақиятларнинг асосидир.»

Ислом Каримов:
«Оила муқаддас даргоҳдир. У ерда келажак тарбияланади, инсонийлик шаклланади.»

Санобар ва Шоҳиста бир жамоада ишлашди. Опа-сингилдек бўлиб кетишган. Ораларидаги фарқ шуки, Санобар ишчи, Шоҳиста эса раҳбар. Кейинги вақтларда нима учундир Шоҳистанинг юраги тез-тез безовта қияпти. Шифокорлар унга бироз муддат дам олишни тавсия қилишган. Унинг бир донга тикув фабрикаси бор. Бу ота-онасидан мерос бўлиб қолган. Мана шу мерос сабабли туғилган ака-ука, опа-сингиллари ундан воз кечишган. Сабаб "катта улуш" унга текканмиш. Наҳотки, маблағ, пул меҳр-оқибатдан устун турса, дея ҳафа бўлади у.

Сешанба куни Шоҳистанинг яна мазаси бўлмай қолди. "Наҳотки мен ҳеч кимга керак эмасман, ака-укаларим, опа-сингилларим шу арзимас нарсая деб мендан воз кечишса..." Шу ҳаёллар яна миясида барқ ураётган экан, аҳоли баттар ёмонлашди. Бахтига Санобар бор экан. Иш масаласида Шоҳистанинг уйига кириб келди-ю, унинг ранги-рўйини кўриб кўриб кетди:

Сайёҳлик соҳасида халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда

Жорий йилнинг 23 — 25-апрель кунлари Қозоғистон Республикаси Олма-ота шаҳрида ўтказилган нуфусли "KITP" халқаро туризм кўргазмасида Тошкент вилоятининг туризм соҳаси вакиллари, туроператорлар ва маданий гуруҳ аъзоларидан иборат делегацияси ҳам иштирок этди.

Мазкур кўргазма доирасида Россия, Хитой, Таиланд, Қирғиз Республикаси ҳамда Қозоғистоннинг Туркистон, Ёт-тисув, Қарағанда, Қизилўрда, Оқмола, Мангистов, Шарқий Қозоғистон, Павлодар каби қатор вилоятларидан ташриф буюрган туризм ташкилотлари вакиллари билан самарали учрашувлар ўтказилди.

Музокаралар давомида икки томонлама сайёҳлик алоқаларини ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш ва ўзаро тажриба алмашишни назарда тутувчи муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, Тошкент вилоя-



ти вакилларига инфо-тур ташкил этилди. Унда Туркистон вилоятининг қатор диққатга сазовор масканларида сайёҳларга яратилган шароит ва қулайликлар кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Тошкент ва Туркистон вилоятлари туризм соҳаси ва-

киллари ўртасида B2B форматдаги бевосита учрашувлар ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини муостаҳкамлаш, янги йўналишлар очиш ва сайёҳлар оқими ошириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва хорижлик туристлар келишини кўпайтириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Абдулазиз МУСАЕВ

▼ Турмуш чорраҳаларида

дори-дармонларгача етказиб турди.

Ҳаёт тасодифларга бой, дейдилар. Буни қарангки, Шоҳиста ётган касалхонада жияни Нозима ҳам даволанар эди. Кўзлар бир-бири-

хурсандмисиз?

— Нозима қизим, ундай дема. Ахир холангман-ку.

Бу гапларни эшитган Нозима: — Аввал холам эдингиз. Энди эса ҳеч кимсиз. Биз учун б-е-г-о-н-а-сиз!

Бу гапни эшитган Шоҳистанинг мазаси қочиб, йиқилди. Хабар олгани келган Санобар ҳолатни кўриб, югурди. Аста қўлидан тутиб хонасига бошлаб борди. Олиб келган ноз-неъматларидан дастурхонга қўйди.

— Эшитдингизми? Яхшиям мероснинг ярмини уларга берган эканман. Битта шу фабрикани ўзимга олиб қолгандим. Қора қозон қайнаб туриши учун.


— Эътибор берманг, опагон. Улар ҳам бир кун бунни тушунишар.

— Тушунишармикан? Қанийди шундай бўлса, — дея ўйлади ва синглисидек бўлиб қолган Санобарга миннатдорчилик нигоҳида қараб қўйди.

Опа-сингил хушчақчақ кайфиятда тушлик қилишди. Сўнг иккиси ширин уйкуга кетди. Шунда Шоҳиста бирдан ғалати туш кўриб уйғониб кетди. Атрофга бай термулди-да:

— Яхшиям сен борақансан, синглим. Илойим соғ бўлиб юргин, — деди унга меҳр билан қараб.

Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ



ҳеч кими йўқлигини ўйлаб бунга унамади.

— Шоҳиста опа, сиз бемалол даволанаверинг. Мен борман-ку!

— Борингизга шуқр. Раҳмат сизга, — деди қўзида ёш билан Санобарга қараб.

Орадан бир неча кун ўтди. Санобар унинг хolidан хабар олиб,

га тўқнашганда "севимли" жиян холасига шунчаки салом бериб ўтиб кетар, хол-аҳвол сўрашни ҳам ҳаёлига келтирмасди. Бу ҳолатдан Шоҳистанинг юрак-бағри эзилди. Ёшгина қизчанинг гапини бир эшитинг-а:

— Сиз бизга тегишли бўлган меросни олиб қўйгансиз. Ана энди